

**ТАЪЛИМ СОҲАСИГА РАҚАМЛИ ТЕХНАЛОГИЯЛАРНИ  
ЖОРӢЙ ЭТИШ**

**Усмонова Шодия**

**Феруза Шакировна**

*Чирчиқ давлат педагогика университети тарих йуналиши Илмий  
раҳбар*

**Аннотатсия:** Ушбу мақолада таълим соҳасига рақамли технологияларни жорӣӣ этиши ҳақидаги фикрларимиз ўрин олгандир. Шунингдек таълим сифатини ошириши ва бу борада сунъий технологиялардан фойдаланишининг аҳамияти, натижалари ва самараси ёритиб ўтилади.

**Калим сўзлар:** таълим, маҳорат, ахборот, жараён, дастур, натижса, тизим

Шиддат билан ўзгариб бораётган дунёда яшай оладиган ёшларни тайёрлаш учун асосий вазифасини муайян миқдордаги билимларни беришдан иборат деб ҳисоблайдиган анъанавий таълим соҳасини мутлақо етарли эмас. Чунки илм-фан ва техника шу даражада ривожландики, энди одам бирор фандаги энг асосий тушунчаларни ҳам хотирасида сақлаб қола олмайди. Бунинг устига, тинимсиз ўзгаришлардан иборат, бўлиб қолган ҳаётга мустақил қадам қўяётган ёшлар ана шундай ўзгаришларга ҳам интеллектуал, ҳам мъянавий жиҳатдан тайёр бўлмаса, рақобатлар курашидан иборат дунёда ўз ўрнини тополмаслиги мумкин. Ҳозирги кунда таълим тизимида бой тажрибалар йиғилган. Ҳозирда мамлакатимизнинг барча соҳаларида бўлгани сингари таълим тизимида ҳам ўзига ҳос янгиликлар қарор топмоқда. Айниқса таълим тизимини технологглаштириш, таълим самарадорлигини ошириш ҳамда ижтимоий

ҳаётимизга кириб келаётган янги педагогик технологиянарни ўқув жараёнларига қўллаш асосий вазифаларимиздан бири бўлиб қолмоқда. Чунки янги педагогик ва ахборот технологияларни тезда қабул қилиш, уларни таҳлил этиб, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хulosа чиқариш ҳамда талабаларга етказиб бериш энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Педагогик технологияларнинг ривожланиш истиқболлари унинг назарий асосларини танқидий равишда таҳлил қилиш, таълим жараёнига нисбатан самарали ёндошувнинг қарор топиши ҳисобига таъминланади. Яъни маълум бир вақт оралиғида педагогик технологияларнинг назарий асосларини ўзгартириш билан бирга унинг муаммо майдони ҳам ўзгартириш мумкин бўлади. Таълим жараёнида технологик ёндошув асосида ташкил этиш бир қатор дидактик вазифаларни ижобий ҳал этишни тақозо қиласди [1]. Ривожланган хорижий давлатларда таълимнинг мамлакат ички сиёсатига фаол таъсир этадиган ижтимоий жараён эканлиги ҳақиқатдир. Шу туфайли ҳам ривожланган мамлакатларда мактаб эҳтиёжини иқтисодий таъминлашга ажратилаётган маблағ миқдори йилдан-йилга ошиб бормоқда [2]. Шундан келин чиқиб айтадиган бўлсак, таълим соҳасига рақамли технологияларни кенг жорий этишимиз ва таълим соҳасини рақамли технологияларга кўчиришимиз керак. Ахборот технологияларининг баркамол шахсни ривожлантириш, унинг мустақил касб танлаши ва касбий жиҳатдан ўз-ўзини шакллантириш, касбий маҳоратини ўстиришда тутаётган ўрни ва таъсири ортиб бораётганлигини инкор этиб бўлмайди. Бугунги кунда юртимизда таълим тизимиға катта эътибор қаратилмоқда. Ёшларни таълим тизимиға жалб қилиш, уларнинг вақтини мазмунли ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам шулар жумласидандир. Бугунги кунда таълим соҳасида кўплаб маънавий-маърифий ишлар ташкил этилмоқда. Албаттабиз ҳар доим буюк боболаримизга муносиб авлод бўлишимиз лозимдир. Уларнинг олиб борган ишларини муносиб давом этиришимизуларга муносиб авлод

бўлишимиз зарурдир. Бизнинг юртимиздан улуг мутаффаккир олимлар илм соҳасида ўзининг дунёда номини таратган буюк олимлар етишиб чиқкан. Уларнинг бизга қолдирган мероси биз учун ҳақиқий бойликдир. Биз манашу бойликларимизни қадрига етиб авайлашимиз керак. Маданий меросимизни, ўтмиш қадриятимизни кенг ва ҳар томонлама ўрганиш ҳозирги миллий маънавиянимизнинг чуқур тарихи илдизларини, шаклланиш босқичлари ва хусусиятларини очиб бериш учун зарурдир. Бу эса ўз навбатида, миллий онг, миллий ғурурни, тарихимиз, ўтмиш авлодлар ҳизматига хурмат эътиборни, халқ меҳнатига, келажакни оқилона белгилаш, Ватанга севиш туйғуларини шакллантириш, янги жамиятимиз ривожини, келажакни оқилона белгилаш, юксак демократик давлат қуриш учун ҳизмат қиласи. Таълим тизимида ахборот технологияларининг жадал суръатлар билан жорий этилиши замонавий технологияларнинг қўлланиш соҳаларини кенгайтиради. Айни пайтда таълимда замонавий ахборот технологияларини ривожланаётган йўналишларини алоҳида таъкидлаш мумкин. Улар қўйдагилар:

1. Ўқув мақсадларидаги дастурий воситаларнинг имкониятларини ўқитиши воситаси, ўрганиш асоси ва ахборотларни қайта ишлаш воситаси сифатида жорий этиши.
2. Ўқув-методик мажмуалар яратишида, ўқув-намойиш қурулмалари ва компьютер воситалари имкониятлариниши интеграцияси.

Бундай мажмуалардан фойдаланиш ўқувчига ўрганилаётган жараён ҳақидаги ахборотларни жамлаш, сақлаш, жараёнларнинг қонуниятларйни ва моҳиятларини очиб беришга ёрдам беради. Замонавий технологиялар негизидаги ўқув-намойиш мажмуаларининг ўқланилиши индивидуал ва жамоавий эксперимент фаолиятни ташкил этишга замин яратади. Бу эса, ўқувчида интеллектуал ва ижодий салоҳиятини ривожлантириш ва мустақил билим олиш имкониятини яратади.

3. Мултимедиа тизимларини яратишида компьютерлар ва аудио-видео ахборотларни узатиш воситалари имкониятларининг интегратсиясига

эришиш. Бундай тизимлар ўзида дастурий-аппарат воситалар ва қурулмалар мажмуасини мужассамлаштириб, ахборотнинг турли (матн, графика, овоз, тасвир) кўринишларини бирлаштиради ва фойдаланувчи билан интерфаол мулоқотни ташкил этади [3]. Албаттаки бунда нанижалар ҳам кўзга кўринади. Кўпчилик олимлар бугунги қунда сунъий интелект технологияларни такомиллаштириш орқали замонавийлашувнинг тарафдорлари бўлиб келишмоқда.

“Сунъий интеллект” бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижаси бу мия ишини тушунишга интилиш, инсон онгининг сирларини очиш ва инсон ақлининг маълум даражасига эга машиналар яратиш муаммоси. Интеллектуал жараёнларни моделлаштиришнинг асосий имконияти шундан келиб чиқадики, миянинг ҳар қандай функциси, чекланган микдордаги сўзлардан фойдаланган ҳолда қатъий бир маъноли семантиказга эга тилда тасвирланган ҳар қандай ақлий фаолият принципиал равища электрон рақамли компьютерга ўтказилиши мумкин.[4]

1.Шахсга йўналтирилган таълим: ўқувчилар учун шахсийлаштирилган таълим тажрибасини тақдим этиш учун ишлатилиши мумкин.

Синов баллари, уй вазифалари ва ўрганиш афзалликлари каби талаба маълумотларини таҳлил қилиш орқали ўқувчиларга ўз салоҳиятларини тўлиқ рўёбга чиқаришга ёрдам бериш учун мослаштирилган фикр-мулоҳазалар ва ўқув материалларини тақдим этиши мумкин.

2.Мослашувчан таълим жараёнини амалга ошириш: ўқувчиларнинг индивидуал ишлаши асосида қийинчилик даражаси ва ўрганиш тезлигини мослаштирадиган адаптив таълим тизимларини яратиш учун ишлатилиши мумкин.

Бу ўқувчиларнинг фаоллиги ва мотиватсиясини сақлаб қолишига ёрдам беради ҳамда уларнинг маҳорат даражасига мос келадиган даражада фанларни ўрганишини таъминлайди [5].

3. Талабаларни ўқув жараёнида ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш: ўқувчиларга репетиторлик ва маслаҳат хизматлари каби турли усуллар орқали ёрдам бериши мумкин. Мисол учун, сунъий интеллектга асосланган чатботлар курс ишларида ёрдамга муҳтож ёки руҳий саломатлик муаммолари билан курашаётган талабалар учун 24/7 режимида ёрдам таклиф қилиши мумкин .

4. Маъмурий самарадорлик даражасини яхшилаш:, шунингдек, баҳолаш ва давоматни қузатиш каби маъмурий вазифаларни соддалаштириш учун ҳам ишлатилиши мумкин. Бу ўқитувчиларга ўқувчиларни ўқитиш ва уларга маслаҳат беришга кетадиган вақтни тежаши мумкин .

5. Башоратли таҳлилларни амалга ошириш: ўқувчилар натижаларини башорат қилиш ва қўшимча ёрдамга муҳтож бўлиши мумкин бўлган хавф остидаги талабаларни аниқлашга ёрдам ҳам ёрдам бера олиши мумкин. Талабаларнинг ўқув жараёни ва ўзлаштиришига оид маълумотларини таҳлил қилиш орқали талабанинг муаммоларинин аниқлай олади ва унингмуваффақиятга эришиши учун керакли бўлган чораларни амалга оширади.

Ушбу жараёнларни барчасини бажаришда сунъий интелект туради. Бу технологиялар инсон фаолиятини енгиллаштиришга ҳам ёрдам беради. Бу технологияларни таълим соҳасига жорий этиш, бу соҳани ривожланишига катта туртки беради.

Сунъий интеллект бўйича дунёдаги энг машҳур дарсликлардан бири “Сунъий интеллект: замонавий ёндашув” муаллифлари Стюарт Жонатан Расселл ва Питер Норвигнинг сўзларига кўра, биринчи марта 1995-йилда нашр этилган (китобнинг тўртинчи нашри аллақачон 2020-йилда нашр этилган).

Сунъий интеллект ақлли мавжудотларни тушунишга ва янги ақлли шахсларни яратишга ҳаракат қилмоқда. “Хеч ким келажакни батафсил башорат қила олмаса-да, инсон даражасидаги (ёки ундан юқори) ақл-

заковатга эга компьютерлар бизнинг кундалик ҳаётимизга ва цивилизациянинг келажакдаги ривожланишига катта таъсир кўрсатиши аниқ”- дейди [6].

Бугунги замонда таълим соҳасини ривожлантириш бо‘йича хориж тажрибаларидан андоза олиш, ижодий ёндашган ҳолда амалиётда жорий этиш, замон талабига мос равишишда татбиқ қилиш бўйича лойихалар ишлаб чиқилди.

Мамлакатимизда компьютерлаштиришни янада ривожлантириш, таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, ўкувчи-ёшларнинг бу соҳада билим олишини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Умумтаълим мактабларини ахборотлаштириш, умумтаълим мактабларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга оид лойихаларга мувофиқ мактабларни замонавий компьютер жиҳозлари ва техникаси билан таъминлаш, ўкув жараёнида мултимедиа ва электрон дарсликлардан, рақамли таълим технологияларидан кенг фойдаланиш, уларда ахборот-ресурс марказларини ташкил этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки бугунги кунда рақамли технологиялар ҳаётимизни қамраб олмоқдадир. Барча соҳаларда технологияр самарали тарзда фойдаланилмоқда.

Замон шиддат билан кечаётган бир пайтда биз ҳам ҳам замон билан ҳамнафас бўлишимиз лозимдир. Барча соҳалар каби таълим соҳасини замонавийлаштиришда рақамли технологиялар катта ахамият касб этишини қўришимиз мумкиндир.

Бу соҳани ривожлантириш ҳамда таълим соҳасида рақамли технологияларни кенг жорий этишимиз, таълим соҳасини давр талабларига мослашимиз керак.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

- [1]. Ғаффоров Я “Маҳсус фанларни ўқитишида янги педагогик технологиянардан фойдаланиш усуллари”, 2021-йил 4-бет
- [2]. Ходжаев Б.Х. Умумий педагогика. Тошкент “Сано-стандарт, 2017-йил. 306-308-бет
- [3]. Н.А. Шермухамедова, Илмий-тадкиқот методологияси. Т. “Фан ва технология”, 2014, 403-407 бетлар
- [4]. Камилова Р.Ш. Абдулатипова М.А. ИСКУССТВЕННЫЙ ИНТЕЛЛЕКТ//Опубликовано в 2013, Выпуск Май 2013, ЭКОНОМИЧЕСКИЕ НАУКИ
- [5]. Аюпов Р.Ҳ., Турсунов С.Қ. Рақамли технологиялар. Тошкент: "Лессон Пресс" нашриёти, 2023 йил. 464 бет.
- [6]. Русселл СЖ, Норвиг П. Сунъий интеллект: замонавий ёндашув. Прентисе Ҳалл. Энглешууд Слиффс, 1995 йил. 3-бет